

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши

Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга
солиш ҳамда виночиликни
ривожлантириш агентлиги

ҚЎШМА ҚАРОРИ

2021 йил "30" август.

№ 53

Тошкент ш.

2021 йил "30" август

№ 4-19. с "

Тошкент ш.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун 2021 йил 10 августда рўйхатдан ўтган Тармоқ келишуви маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашларига:

- ушбу тармоқ келишувининг барча бандларини амал қилиш муддати давомида бажарилишини жорий йилда амалга ошириш;

- ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномаларини тармоқ келишувлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- ташкилот ва муассасаларнинг умумий йиғилишларида ходимларни ушбу тармоқ келишуви билан таништириш;

- жойларда томонларнинг ҳамкорлигида ўқув семинарлари ва спорт тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

- тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш вазифалари топширилсин.

3. Тармоқ келишувининг 2021 йилда бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши комиссиялари зиммасига:

- ташкилот ва муассасаларда тармоқ келишуви билан жамоа шартномаларининг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охириги тавсия қилинган макетларга мослигини ҳамкорликда ўрганиш ва қатъий назоратга олиш;

- жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

- ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, тренинглар ташкил этиш;

- ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директор ўринбосари Ш.Ражабов ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Э.Бойниёзовлар зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Агросаноат
мажмуи ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгаши раиси**



**Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки
бозорини тартибга солиш ва
иночиликни
ривожлантириш агентлиги
директори**

Р.М.Бобоев





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT
MUNOSABATLARI VAZIRLIGI
DAVLAT MEHNAT INSPEKSIYASI**

100031, Toshkent shahar, Mirobod ko'chasi, 15-uy.
Telefon: (+998 71) 239-41-21, (+998 71) 239-12-72

**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгашига**

www.mehnat.uz e-mail: info@mehnat.uz, mehnat@exat.uz

“10” 08 2021 yil № 01/00-00/18-9214

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
2021 йил 27 июлдаги РХ-05/108-сонли хатга жавобан қуйидагиларни маълум
қилади.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки
бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун
тузилган тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг
51-моддасига асосан Б-32-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди.

Илова: __варақда.

**Давлат меҳнат инспекцияси
бошлиғи ўринбосари – Бош давлат
меҳнат ҳуқуқ инспектори**

Г.Ниязметова

Ижрочи: З.Мустафоев
Тел: 239-41-21 (277)

**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга
солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ижтимоий-
иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун
ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

I. Умумий бўлим

1. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (бундан кейин «Иш берувчи») ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан кейин «Республика кенгаши») кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталади. Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг IV-боби асосида тузилган. Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради, шунингдек тизимдаги қуйи ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ва шу жамоанинг барча ходимлари ҳамда касаба уюшмаси кўмиталарига ҳам татбиқ этилади. Мазкур Келишув иш берувчилар билан касаба уюшмаси кўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

2. Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2021-2023 йиллар учун ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ (келгусида – Тармоқ келишуви деб юритилувчи) меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи тармоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатдир.

3. Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 88-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид имзоланган 2020-2022 йиллар учун Бош келишуви ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, Томонлар қуйидагиларни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар:

- меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмалари билан тизимли ҳамкорликни таъминлаш;

- колл-марказлар, сайёр қабулларни жорий этиш ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш; (БК-10)

- тизимдаги Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенцияларига оғишмай риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилиб бориш;

Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

- «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сонли Конвенция ва шу Конвенцияга Баённома;

- «Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида»ги 47-сонли Конвенция;
- «Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида»ги 52-сонли Конвенция;
- «Меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги 81-сонли Конвенция;
- «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенция;
- «Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида»ги 98-сонли Конвенция;
- «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркалар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 100-сонли Конвенция;
- «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103-сонли Конвенция;
- «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-сонли Конвенция;
- «Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида»ги 111-сонли Конвенция;
- «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги 122-сонли Конвенция;
- «Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги 129-сонли Конвенция;
- «Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида»ги 135-сонли Конвенция;
- «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 138-сонли Конвенция;
- «Халқаро Меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида»ги 144-сонли Конвенция;
- «Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида»ги 154-сонли Конвенция;
- тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси раисларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўқув-семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва вакиллари билан давра суҳбатлари ташкил қилиш ҳамда ўқув семинарларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида тренинглар ва тушунтиришлар олиб бориш;
- тизим ташкилотлари раҳбарлари билан касаба уюшмаси кўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда жамоа шартномаларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларининг қиритилишига эришиш ва бажарилишини назорат қилишни;
- иш берувчи тизим ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга кўмаклашиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратишда ҳамкорлик қилади.

4. Тизимда барча жамоа шартномаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарорининг тегишли бандларини қиритилиши таъминланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги жамоа шартномасини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган устама, рағбатлантириш тўловлари,

ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни ушбу Тармоқ келишувда белгиланганидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

-устама, рағбатлантириш тўловлари, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни қўллаш ва кенгайтириш тизимдаги ташкилотлар томонидан тузиладиган жамоа шартномалари асосида ўз молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Иш берувчи бошланғич касаба уюшмаси фаолияти учун зарур шароитлар яратиш, янги ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотини тузишга кўмаклашиш, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратиш, касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларига, юқори касаба уюшмаси органлари таркибига киритилган фаолларга қисқа муддатли ўқувларда иштирок этишга руҳсат бериш ва бунда харажатларни иш берувчи маблағлари ҳисобидан қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Шунингдек, корхона, ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилувчи комиссия таркибига касаба уюшмаси ташкилоти вакили киритилади.

7. Иш берувчи касаба уюшма кўмитасини уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириши учун хона, транспорт, ташкилий техника, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятини олади.

8. Иш берувчи ва тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари меҳнат меъёрларини ишлаб чиқишда ҳамда ходимларнинг манфаатларига тегишли меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда касаба уюшмалари органлари билан ўзаро келишадилар. Тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий миқёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттиради.

9. Томонлар тармоқ ходимларининг турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояланишини ошириш мақсадида мазкур Тармоқ келишуви мажбуриятларининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун мунтазам равишда чора-тадбирларни амалга ошириб боришга келишиб оладилар.

10. Томонлар Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенцияга мувофиқ ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишга кўмаклашади.

11. Тармоқ келишувларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 февралидан, жамоа шартномаларини бажарилиши 1 апрелдан кечиктирмасдан Томонлар кўриб чиқилишини таъминлайдилар.

12. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида Республика Кенгаши раиси Кўмита йиғилиши таркибига киритилишини ва кузатувчи сифатида иштирок этишини таъминлайдилар.

13. Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг “Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур Шартнома мақсадларида меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилади:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;

- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

14. Иш берувчи:

- ходимларни меҳнат шартномасига асосан иш билан таъминлайди, уларга хавфсиз меҳнат шароитини яратади;
- ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 1, 2 ва 6-бандлари, 106-моддаси 2-бандида кўрсатилган асосларда бекор қилинса, Иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни таклиф этади ва тизимдаги мавжуд вакант жойларга ишга жойлаштириш чораларини кўради;
- касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;
- ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиш;
- касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши;
- касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;
- касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиш;
- касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;
- касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вақт бериши; *(бунда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак);*
- касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланган мақсадлар учун ва микдорларда маблағлар ўтказиш;
- касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисоб варағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш;
- жамоа шартномалари орқали меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан белгиланган тартибда ошириб борилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлайди.

- ходим Иш берувчининг ташаббуси билан бошқа ишга вақтинча ўтказилган вақтда унинг бажарган ишига қараб, лекин аввалги лавозимидаги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайди;

- Иш берувчи ва тизимдаги қуйи ташкилотлари раҳбарларига Касаба уюшмалари томонидан киритилган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор тақдимномалари ўн беш кун муддат ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида хабар берилади.

15. Ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Лекин қуйидаги ҳолларда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш талаб этилмайди:

- корхона тугатилиши муносабати билан;

- корхона раҳбари билан тузилган Меҳнат шартномасини Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

- Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда.

16. Тармоқ ташкилотларида рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг ўн ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатилиши деб ҳисобланади. (*Ўзбекистон Республикаси "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддаси*). Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

17. Касаба уюшма қўмиталари иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимномани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган "Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби" асосида 10 кун муддатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

18. Касаба уюшмаси органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги сабабли ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ёки озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан Иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикаси "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг "Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллариининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида"ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

19. Штатлар қисқартирилганда пенсияга чиқишлари учун икки йил ва ундан камроқ вақт қолган ходимларни бўшатилишида афзаллик ҳуқуқи берилади.

20. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда

афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлари Иш берувчи ҳамда тизимдаги қуйи ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

21. Ходимларни аттестациядан ўтказишдан камида 2 ой олдин ходимлар огоҳлантирилади, камида 1 ой олдин тахминий саволлар билан таништиради.

22. Тармоқда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни ишга жойлаштиришга эътиборни қаратиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш ишлари амалга оширилади.

23. Иш берувчи тизимдаги корхона ва ташкилотларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича Дастурлар ишлаб чиқиб, Дастурда ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларининг амалга оширилишини таъминлаб боради.

24. Олий, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламларини бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама қўмаклашади.

III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ.

25. Тармоқ ходимлари учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Иш кунининг бошланиши ва тугаш вақти тизимдаги барча қуйи ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари меъёрларида белгилаб қўйилади.

26. Ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ходимга тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, Иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

27. Дам олиш ва байрам кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи бўйича ишлаб чиқариш заруриятларидан келиб чиққан ҳолда айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

28. Барча ходимларга ҳар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган муддатда меҳнат таътили берилади. Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллارнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тизимдаги корхоналарнинг жамоа шартномаларида белгиланади.

Календарь йили бошлангунга қадар барча таркибий бўлинмаларда касба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда жорий йил учун меҳнат таътили жадваллари тузилади. Жадвал бўйича белгиланган таътилдан фойдаланиш вақти ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

29. Меҳнат таътили учун ҳақ меҳнат таътили бошланишидан камида уч кун олдин амалга оширилади.

30. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллари билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йили тасдиқланадиган расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишламайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги Фармонига биноан қўшимча дам олиш кунлари ҳисобланади.

Бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътиliga қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда ташкилотнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шартномалари ёки иш берувчи томонидан касба уюшмаси қўмитаси билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади.

31. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 142-моддаси талаблари доирасида ташкилотда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини кейинги йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш мумкин *(агар жамоа шартномасида акс эттирилган бўлса)*.

32. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қўйдаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига асосан, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга;

- бетоб оила аъзосини парваришлайётган ходимларга;

- ишлаётган пенсионерларга.

Бошқа ҳолатлар корхоналарда тузиладиган жамоа шартномаларида имкониятлардан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

33. Ходимларга қўйдаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча меҳнат таътиллари берилади:

- оила қуриш муносабати билан беш иш кун;

- яқин қариндошларининг тўй маросимига беш иш кун;

- яқин қариндошларининг дафн маросимига беш иш кун.

Яқин қариндошлар деб, ходимнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари, турмуш ўртоғи, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

34. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қўйдаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра ўн тўрт календар кунидан кам бўлмаган ҳолда иш ҳақи сақланмаган таътиллари берилади:

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга.

Шунингдек, бетоб яқин қариндошларидан ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандларини парваришлайётган шахсларга, уларнинг илтимосига кўра Иш берувчи билан келишган муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 138-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Туман коэффицентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар Рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган айрим жойларда ишловчи ходимлар иш ҳақиға ўз маблағлари доирасида харажатлар, солиқ солинадиган базага киритилган ҳолда, қўшимча таътиллار белгиланади.

IV. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

36. Иш берувчи тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасиға кўра амалға оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффицентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам меҳнат ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади. Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши таъминланади.

37. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибға солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорининг 1-ИЛОВАСи билан тасдиқланган НИЗОМға мувофиқ таътбиқ этилади.

38. Ходимларни мукофотлаш ва уларға моддий ёрдам кўрсатиш ташкилот жамғарма маблағлари ҳисобидан амалға оширилиб, жумладан:

- кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш ва меҳнатини баҳолаш мақсадида ҳар чорак якуни бўйича икки ойлик иш ҳақи миқдоригача ходимлар рағбатлантириш;

- бир йилда икки ойлик иш ҳақи фонди миқдорида моддий ёрдам тўловлари;

- Қонунчиликда белгиланган миқдор ва тартибда давлат хизматчиларининг лавозим маошиға меҳнатни рағбатлантириш коэффиценти;

- махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 15 фоиз миқдорида ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида лавозимға тайинланган мансабдор шахсларнинг умумий иш стажи, хизмат муддати, ходимларнинг умумий иш стажи учун лавозим маошиға ойлик устамалар штатлар жадвалиға мувофиқ ҳар ойда 1 йилдан 5 йилгача — 10 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача — 20 фоиз, 10 йилдан 15 йилгача — 30 фоиз, 15 йилдан 20 йилгача — 40 фоиз, 20 йилдан 25 йилгача — 50 фоиз, 25 йилдан ортиқ — 60 фоиз. миқдорларда тўланади.

- Байрам кунлари - 1 январь - "Янги йил", 8 март - "Хотин-қизлар куни", 21 март - "Наврўз", 9 май - "Хотира ва қадрлаш куни", 1 сентябрь - "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни", 1 октябрь - "Устозлар ва мураббийлар куни", диний байрамлар Рўза ҳайити (Ийд-Ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд-ал-Адха), 8 декабрь - "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни" ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари куни касб байрамлари учун кунида ходимлар лавозим маошининг икки баравари (рағбатлантириш коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда) миқдорида рағбатлантирилади. (Меҳнат кодексининг 131-моддаси)

- ишдаги ютуқлари учун ходимларга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган юқори малакали, ташаббускор марказий аппарат ходимларига лавозим маошининг 300 фоизи миқдоригача устамалар белгиланади. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

- Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

39. Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) транспорт харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 (бир) бараварида бўлган тўловлар ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,5 (уч ярим) бараварида бўлган тўловлар амалга оширилади.

40. Заруратга кўра, касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда ходимлар ва (ёки) уларнинг оила аъзоларига қуйидаги ҳолатларда:

- ходим вафот этганда - базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 (ўттиз беш) бараварида бўлган миқдорда моддий ёрдам тўлаб берилади, бунда моддий ёрдам хотинига (эрига) тўлаб берилади, агар ходимнинг хотини (эри) бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакиллари (васийлари ва ҳомийларига) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўлаб берилади, шунингдек, ходим турмуш курмаган бўлса, моддий ёрдам ходимнинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари) ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

- турмуш курганда, 50, 55, 60 юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда Республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 (тўрт) баробари миқдорида моддий ёрдам тўлаб берилади.

41. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилиши жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

42. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун ходимларга бир йилда бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баробаригача бўлган миқдорда тўловлар амалга оширилади;

43. Меҳнат кодексининг 161-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида

тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш тизимдаги корхоналарда иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади. Мазкур меъёр барча жамоа шартномаларига киритилади.

44. Ходимларнинг иш ҳақидан қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15 сонли Раёсат қарори билан “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби”га кўра иш олиб борилади.

45. Жамоа шартномаларида белгиланадиган барча турдаги моддий ёрдамлар бериш ходимларнинг шахсий аризалари асосида (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно), ташкилотнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, буйруқ билан расмийлаштирилиб, амалга оширилади. Шунингдек, ушбу моддий ёрдамларни тўлашда ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳар бир моддий ёрдам тури бўйича асословчи ҳужжатлар, яъни гувоҳномалар нусхалари, тиббиёт муассасаларидан олинган касалликни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бахтсиз ходисани тасдиқловчи далолатнома нусхалари олинishi зарур.

46. Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

47. Тизимда ишловчи ногиронлар учун Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган барча имтиёзлар яратиб берилади.

48. Иш берувчининг кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади. Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади - мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланади ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

49. Хизмат сафари давридаги харажатлар иш берувчи томонидан жамоа шартномаларида белгиланган миқдорда тўланади.

50. Меҳнат кодексининг 172-моддасида кўзда тутилган тартибда, ходим агарда иш берувчининг таклифига кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда куйидагилар тўланади:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

51. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобил транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобил транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларидан фойдаланади:

- Иш берувчи ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асосан амалга оширилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги 6-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарорига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган ташкилотда уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентлари белгиланиши мумкин.

Шунингдек, қуйидагилар ҳайдовчиларининг иш ҳақи ҳисобланади:

- бажарилган иш ёки ишланган вақт учун тўланадиган ҳақ;
- рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устама ва қўшимча ҳақлар;
- ишдаги ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар;
- махсус турдаги мукофотлар;
- бир йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар;
- моддий ёрдам;
- бир йўла мукофотлар;
- солиқ кодексида назарда тутилган бошқа тўловлар.

52. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун харажатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 173-моддаси талаблари доирасида иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланади. Ана шу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида белгиланади.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли фармонида асосан мамлакатимизда пандемия даврида ходимлар коронавирусга чалинганда ёки оиласи Иш берувчи томонидан Коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;

- коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақикланади.

- карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчилар ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, иш ҳақлари сакланган ҳолда масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

54. Мамлакатимизда Карантин қондалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан ўз ҳисобидан таътилларга мажбурий равишда чиқариб юборилганда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 374-моддасига

асосан ишланмаган вақт учун асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

55. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қондаларига риоя қилган ҳолда бажарадилар.

56. Барча меҳнат вазифаларини сидқидилдан бажарган, самарали натижаларга эришган ходимларни ташаккурнома, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш, тизимда турли номинациялар бўйича унвонлар бериш, давлат ва тармоқ мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

57. Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллашга белгиланган муддатлар (*Меҳнат кодексининг 182-моддаси*) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

58. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

59. Тизимида ходимларга нисбатан меҳнат интизоми шартларининг қўлланишини Меҳнат кодексининг 174-184-моддалари ҳамда мазкур келишувга киритилган талабларга асосан амалга оширади.

60. Иш берувчи ходимлар ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, жойларда низоларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриб боради.

VI. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

61. Томонлар, ижтимоий шериклик тамойилларини тан олган ҳолда, Келишувни бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар.

62. Якка меҳнат низолари “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66“с”-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар” асосида ишлаб чиқилган Низом асосида кўриб чиқилади.

63. Жамоаларга доир меҳнат низолари ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

64. Якка меҳнат низолари комиссиялари ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

VII. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ГИГИЕНАСИ

Иш берувчи:

65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган “Корхоналар ва ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини тузади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

66. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби

жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда сугурта қилишни ташкил этади.

76. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддаси ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилган ҳолда ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказади, бунда ходим чиқимдор эмаслиги ҳақида эслатиб ўтади.

77. Касаба уюшма органлари барча босқичларда меҳнат муҳофазаси, шунингдек иш берувчилар томонидан бу борада ўз мажбуриятларини бажарилишини назорат қилади.

78. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва Тармоқ келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди.

79. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисида”ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатда жабрланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга бир йўла ва ойма-ой тўланадиган нафақаларни ҳамда бошқа тўловларни тўланишини таъминлайди.

80. Республика кенгаши билан “Меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш” бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилишини таъминлайди.

81. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажаради ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқади ва тегишли чораларни кўради.

82. Ташкилотларнинг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан” ўтказиладиган Республика кўрик-танловида иштирок этишини таъминлайди.

83. Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар вақти-вақти билан мажбурий тиббий кўриқлардан ўтказилади.

84. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказилади.

85. Норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия тузилади.

86. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 31-моддасига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Шунингдек, иш берувчи касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари ўқитади ва рағбатлантиради.

87. Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органилари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

88. Томонлар ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

VIII. ИЖТИМОЙ СУГУРТА. ИЖТИМОЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР:

89. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган oilаларга, болали oilаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

90. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг oilа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш мақсадида, Иш берувчи ва Республика кенгаши ўзаро келишилган ҳолда зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган oilаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаш;

- Вазирлар Маҳкамаси фармойиши асосида Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали oilаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш;

- кўп болали ва кам таъминланган oilаларга, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган oilаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш;

- узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини (уй-рўзгор маиший техника воситаларини) харид қилиш ва уй-жойини таъмирлаши учун фоизсиз қарз олишида ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шarti билан шартнома асосида ходимнинг бир йиллик (12 ой) ўртача иш ҳақидан 30 фоиз кам бўлмаган миқдарида қарз берилади. (жамоа шартномасига мувофиқ белгиланади).

90. Иш берувчининг айби билан меҳнатда майиб бўлган жабрланувчилар-ногиронларни, кам таъминланган кўп болали ҳамда етим боласи бор oilаларни, узоқ муддат ишлаган, айна вақтда қаровсиз, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга моддий ва амалий ёрдам кўрсатилади.

91. Иш берувчининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга соғломлаштириш учун бепул йўлланмалар ажратади.

92. Ходимлар ва уларнинг oilа аъзоларини Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида ва болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмаларни иш берувчининг молиявий шароитидан келиб чиқган ҳолда амалга оширилади (жамоа шартномасига мувофиқ белгиланади).

IX. АЁЛЛАР МЕХНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

93. Иш берувчи тармоқда меҳнат фаолиятини юритаётган аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этади:

- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;
- “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенцияларига.

94. Жамоа шартномалари ва Келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар бўлинмаларнинг ваколатли шахси зиммасига юклаш;
- ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш;
- хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш талаблари киритилишини таъминлайди.

95. Аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш ҳамда улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш мақсадида:

- болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатади;
- тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга оғирроқ ишлар ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринларини ажратиш имтиёзларини беради.

96. Касаба уюшмалари билан биргаликда тизимдаги барча қуйи ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларига аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш бўйича алоҳида бўлимлар киритилишига эришади.

97. Касаба уюшма қўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиғи муҳофазаси бўйича ижтимоий дастурнинг бажарилишида Иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

98. Томонлар биргаликда жойларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий савияси ва дунёқарашини ошириш мақсадида қизиқарли ва тарбиявий ўқув семинар-тренинглар ўтказилишини таъминлайдилар.

99. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутадиган имтиёзлар киритилишини назорат қилади.

X. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

100. Тизимдаги корхоналар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида Томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш

ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

101. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 116, 135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246 – моддалари);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МК 103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257, 258-моддалари);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (МК 68, 103, 247¹-моддалар).

102. Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш ҳамда касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни Иш берувчининг тизимдаги қуйи ташкилотлари фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш мажбуриятини олади.

103. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда, ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вақтининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вақти ўрнатилиши кафолатланади.

104. Ёшларни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, зарарли одатларга берилиб кетишларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

105. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигини таъминланади.

106. Ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиб, бунда, таълим муассасаларини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш ҳамда Устоз ходимларни рағбатлантириш миқдорини жамоа шартномаларида белгилашни таъминлайди.

107. Касаба уюшма қўмитаси ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга қўмаклашиш, янги ишга қабул қилинган

ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш ҳамда касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш учун иш берувчига таклифлар киритиш мажбуриятларини олади.

XI. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ва СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ, МЕҲНАТКАШЛАР ва УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

108. Мазкур масалаларда Томонлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- тизимдаги ҳар бир ташкилотларида Маънавият ва маърифат хонасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

- Иш берувчининг тасарруфида бўлган кутубхоналарни ташкилот ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларни янгилаб бориш;

- ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириб боришни ҳар тарафлама қўллаб қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун жойлардаги музейларга ҳамда тарихий ёдгорликларга бой бўлган республикамиз ва унинг ҳудудларига саёҳатлар уюштириш;

- умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш;

- ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакиллари жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, “Маърифат соатлари”ни ўтказиб бориш;

- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни касаба уюшма қўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

- иш вақтидан сўнг (ҳафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида рағбар ва барча ходимларнинг жисмоний-тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил этиш;

- касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишни ўз зиммасига оладилар.

109. Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

110. Республика кенгашининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик танловида тизимдаги ташкилотлар иштироки таъминланади.

111. Меҳнат таътили даврида ходимлар учун республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида хўжалик ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

112. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидаги бошлангич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ тушумларидан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади. Томонлар тизимда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва маблағ ажратилишини таъминлайди.

113. Томонлар тизимдаги ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларига соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблағлар ҳисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш бўйича имтиёзлар киритилишини таъминлайди.

ХП. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

116. Мазкур Тармоқ келишувига имзо чеккан ҳар икки тараф унинг мақсадларини рўёбга чиқиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан оладилар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этилишида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар ва тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашини тан олади.

117. Томонлар мазкур Тармоқ келишувининг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) Ижтимоий меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Томонларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади;

б) Заруратга қараб, лекин камида йилда бир марта Тармоқ келишувининг бажарилишини Томонлар, ҳамкорликда ўтказиладиган мажлисларда муҳокама қилиб боради ҳамда ушбу масала бўйича Иш берувчининг таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

в) Тармоқ келишуви бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томон вакилларида иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва Томонларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилинади.

г) Тармоқ келишувини тузган Томонлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайди;

д) Тизимдаги қуйи ташкилотларни Республика кенгаши касаба уюшмасига аъзоликка жалб қилишида Томонлар ҳамкорлик қиладилар;

е) Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари Корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.


118. Ушбу Тармоқ келишувининг белгиланган муддати тугагач, тегишли

йилнинг январь ойидан, тизимдаги қуйи ташкилотларда эса жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузишни таъминлайди.

119. Ушбу Тармоқ келишувининг тўлиқ ва аниқ бажарилиши учун Томонлар масъулдирлар. Шунингдек, Тармоқ келишувининг бирон-бир банди бажарилмаган тақдирда Томонлар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2021 йил “___” _____ да Тошкент шаҳрида тузилган

**Ўзбекистон Агросаноат
мажмуи ходимлари касаба
уюшмаси Республика кенгаши
раиси**



Р.Қ.Холматов

**Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда
виночиликни ривожлантириш
агентлиги директори**



Р.М.Бобоев

